

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 34 (11.095) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

- **КЕЧА** «Экология ва саломатлик кунлари» лойиҳаси доирасида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Тошкентдан Қорақалпоғистон Республикасига озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ортлган «Саломатлик» поезди жўнаб кетди.
- **КЕЧА** шаҳримизда бюджет ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда Словенияда малака ошириб юртимизга қайтган солиқ тизими мутахассислари иштирок этишди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан шаҳримизда уюштирилган «Янги тахирдаги Солиқ кодекси—тараққиёт омили» мавзусидаги тадбир ва семинар-курсамада шу соҳа мутахассислари ҳамда мутахассислар иштирок этишди.
- **РЕСПУБЛИКА** Эпидемиология ва санитария назорати марказида мутахассислар иштирокида вирусли гепатит хасталиги кўпайишининг олдини олиш чораларига бағишлаб уюштирилган тадбирда болалар ўртасида бу касаллик билан оғриганлар сони ўттиз фоизга камайлганини таъкидлаб ўтилди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамкорликларида ташкил этилган тадбирда бир гуруҳ ўзбекистонлик бемор болалар даволаниш учун Германияга юборилганини таъкидланди.
- **КЕЧА** Собир Рахимов Политехника касб-хунар коллежида ўқувчилар ўртасида уюштирилган давра суҳбати «Динлар тарихини биламизми?» деб номланди.
- **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университетининг 14-талабалар турар жойида талабаларнинг адиб ва шоирлар билан иккидун учрашуви уюштирилди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий-хаваскорлик жамоалари, тўғарақлар, ўқув курслари раҳбарлари, аъзолари иштирок этиб ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Терроризмнинг салбий оқибатлари» деб номланди.
- **ЯҚКАСАРОВ** туманидаги Хуршид маданият уйида «Келин-куёв» шоу дастури туман ўрта махсус касб-хунар таълими ва халқ таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ НАФАҚАТ ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАР МЕХНАТИНИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИШДА, БАЛКИ УЛАРНИНГ САФИНИ КЕНГАЙТИРИБ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА, ИЗЛАНИШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРИШДА, СИФАТЛИ ҲАМДА РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШЛАРИДА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ ТОВАРЛАРНИ ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МУНОСИБ ҲИССАСИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАМОҚ ЎРИНЛИ.

«Ташаббус—2008»

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР БЎЛДИ



КЕЧА мамлакатимизда қизгин тус олган «Ташаббус — 2008» кўрик-танлово Мирзо Улугбек туманида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси раиси Шавкат Мирзэев очиб, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратаётган эътиборлари самарасини алоҳида таъкидлади. Туман ҳокимининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари вазифини бажарувчи Баходир Бокиев мазкур кўрик-танлов иштирокчиларининг меҳнатларини эътироф этган ҳолда тадбиркор ва хунармандларга нафақат бугунги тадбирда, балки келгуси изланишларида ҳам омад тилади. — Кўрик-танловнинг йилдан йилга нуфузи ортиб, унда иштирок этишни, ўз маҳоратларини намойиш қилишни хоҳлаётганлар сафи кенгайиб бораётгани, албатта юртимизда тадбиркор ва хунармандларга яратилган катта имкониятлар натижасидир, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Мирзо Улугбек туман бўлими бошлиғи Собир Убайдуллаев. — Туман босқичи ташкилотчилари талабдорлар орасидан 11 нафар тадбиркор ва 6 нафар хунармандни танловда қатнашишга лойиқ деб топди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган йили туманимизда 1500 дан зиёд янги тадбиркорлик субъектлари ва хунармандлар иш бошлади. Шу асосда 3310 та янги иш ўринлари яратилди. Танловда турли йўналишлар бўйича ишлаётган тадбиркор ва хунармандлар иштироки таъминландики, айниқса



Улар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этаётганлиги қувонарлидир.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида унинг қадоқланишига эътибор қаратиш, товарнинг импорт ўрнини босишга эришиш, дизайннинг замонавийлиги сингари хусусиятлар ҳам танлов иштирокчиларининг кўргазмасида кўзга ташланди. Хусусий тадбиркор «Қазанцев», «ХТ.Гореликов», «Илват», «Табриқлар дунёси» масъулияти чекланган жамиятлари, «Райхон-доно», «Чеварнисо» хусусий фирмалари, маҳаллийлаштириш дастурига муносиб ҳисса қўшаётган «SIMAKX-PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, А.Алимов, В.Пиллипоқ, И.Федичкин, В.Конов сингари хунармандларнинг маҳсулот ва санъат даражасидаги асарларини ташриф буюрганлар ўзгача завқ билан томоша қилишди, маҳоратларидан воқиф бўлишди. — Ушбу кўрик-танловда ҳар йили иштирок этман, — дейди моҳир ёғоч ўймаkori Анвар Алимбоев. — Бир неча бор голиблар қаторидан ўрин олган бўлсамда, аънавий танловда янги изланишларим билан қатнашишга интиланман. Мана бугун ҳам ёғоч ўймакорлигига сопол нақшлар уйғунлаштириб ишлаган маҳсулотларим кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, лицей ва мактаблардан ташриф буюрган ўсимирлар шогирдликка олишимни ҳам сўрашгани мени тўқинлантирди. Иштирокчиларнинг масъулиятни ҳис этиб тайёргарлик кўрсатилган кўргазма, тақдирот шартларида ҳамда тест саволларига берилган жавобларда яққол кўринди. Айниқса, кей-

инги йилларда Президентимизнинг тадбиркорликка оид қатор Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳияти ҳақидаги тест саволларига берилган пухта жавоблар тадбиркорларнинг ўз ҳақ-хуқуқлари ҳимоясига катта эътибор қаратаётганини, зарур ҳужжатларни ўрганиб бораётганини исботлади. Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари голиб ва совриндорларни эълон қилар экан, ҳар бирининг муваффақиятлари алоҳида таъкидланди. Яқунга кўра импорт ўрнини босувчи поролон маҳсулот тайёрлаётган «SIMAKX-PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси (директори Сидик Зокиров) 1-ўринни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» дея эътироф этилди. «Сигама мебель» масъулияти чекланган жамияти директори Сергей Гореликов 2-ўрин, «Табриқлар дунёси» масъулияти чекланган жамияти директори Олег Евзман 3-ўрин соҳиблари бўлди. «Энг яхши хунарманд» йўналишида голибликни ёғоч ўймаkori Анвар Алимбоев эгаллаб бўлса, 2-ўринга Владимир Пиллипоқ, 3-ўринга эса Иван Федичкин сазовор бўлди. Фахрли ўрин соҳиблари ва барча белгиланган номинациялар голибларига диплом ва қўimmatбахо совринлар, эсдалик совғалари томошабинларнинг олқишлари остида топширилди. Сирасини айтганда, кўрик-танловнинг туман босқичида интиланганлар толега ёр бўлди. **Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.** **Наталья Семёнова олган суратлар**

Ортиқ Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб 17 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган мусобақада 9 имкониятдан 8 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллади. Наврўз байрами арафасида жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 25 нафар шахматчи билан сеанс ўтказганида эса тажрибали

гулланади. Математика, компьютер ва расм чизишга қизиққан. Ўғлимдан умидим катта.

Шарифа БЕРДИЕВА, Ўзбекистон шахмат федерацияси бош котиби:

— Турли ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчиликлари Осиё ва жаҳон чемпионатлари олдидан саралаш вазифини ўтайди. Шунинг учун ҳам беллашувлар доимо кескин ва муросасиз ўтади. 10 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги биринчиликда элли нафарга яқин шахматчи дона сурди. Уларнинг аксарияти Ортиқ каби истеъдодли болалардир. Ортиқ мусобақага пухта тайёргарлик кўрганини исботлади. Камдан-кам кузатиладиган натижа кайд этилди. Аксарият шахмат турнирларида голиб ва иккинчи ўрин соҳиб қўшимча кўрсаткичлар ёки орадаги ярим очко фарқ бўйича аниқланади. Ортиқ Неъматов эса рақибидан 1,5 очкога ўзиб кетди. — Менга Рустам Қосимжонов ва Гарри Каспаров каби гроссмейстерларнинг ўйини ёқади. Мен жаҳон чемпиони бўлишни орзу қиламан, — дейди Ортиқ. — Бунинг учун шахмат сир-асрорларини пухта ўрганишим, яхши ўқишим керак. Ортиқ Неъматов устози Рашид Зиёвуддиннинг раҳбарлигида мамлакатимиз миқёсидаги мусобақалар, халқаро турнирлар ва жаҳон биринчиликлари пухта тайёргарлик кўриш мақсадида машғулотларни давом эттирмоқда. **Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎЗА мухбири** **Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.**

ЕТТИ ЁШАН ЧЕМПИОН

ЮРТИМИЗ ИСТЕЪДОДЛАРГА БОЙ. ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ СОҲАДА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТАШИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИШИ УЧУН ЕТАРЛИЧ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН. АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЮРТАЁТГАН СИЁСАТИНИНГ УСТОВР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ЭКАНИ ВОЯГА ЕТАЁТГАН АВЛОДГА КЕНГ ИМКОНИЯТГА ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА.

гроссмейстерга қарши ўйинда мураккаб вазиятга тушиб қолган болакай рақибига дуранг таклиф қилди. Гарчи ўйинни бой берган бўлса-да, бундай учрашувлар унинг маҳорати ва тажрибаси ошишига хизмат қилади. **Нигора ИСАБОВА, Ортиқнинг онаси:** — Шахмат билан шуғулланиш ўғлимнинг юриштириши, хулқига ижобий таъсир ўтказётганидан хурсандман. Унинг дунёқараши кенгаймоқда, фикрлаш қобилияти ўсаяпти, дарсларини тез ўзлаштирмоқда. Ортиқжон шахмат машғулотларида қатнашишдан ташқари, ҳар куни жисмоний тарбия билан шу-



Ана шундай иқтидор эгаларидан бири — етти ёшли Ортиқ Неъматовдир. Ортиқ пойтахтимиздаги 75-умумтаълим мактабининг биринчи синфида ўқийди. У яқинда шахмат бўйича ўн ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида голиб чиқди — Ўзбекистон чемпиони бўлди. Энди жаҳон чемпионатида қатнашади.

Халқимиз «Бола бошидан маълум» деган нақлни бежиз айтмагани яна бир қарра исботланди. Шахмат ўйнашни жуда тез ўрганиб олган Ортиқ 2007 йили етти ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақада илк марта ба қатнашишига қарамай, унда голиб чиқиб, оиласи ва устозининг ишончини оқлади. **Рашид ЗИЁВУДДИНОВ, халқаро гроссмейстер:** — Ортиқда етуқ шахматчи бўлиш учун яхши имконият бор. У ҳали кичкина бўлишига қарамай, шахмат «тили»ни яхши тушунади, хотираси кучлилиги боис буюқ шахматчиларнинг комбинация ва партияларини тез эслаб қолади. Ўйинда ҳар қандай мураккаб вазиятдан осонгина чиқиб кетиш салоҳиятига эга.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Наманган вилояти фаоллари ййгилишида 2007 йил якунлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболига оид масалалар кўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Наманган шаҳар босқичида 42 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермер ўз маҳсулотлари кўргазмаси билан иштирок этди. «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши хунарманд», «Энг яхши фермер» йўналишлари бўйича голиб чиққанлар кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.
- Жиззах шаҳри марказида ёш ҳарбийлар оилалари учун мўлжалланган 42 хонадонли кўп қаватли уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Уй эгаларига хонадон қалитлари билан бирга вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тайёрланган уй-рўзгор ва маданий-маиший буюмлар ҳам тўхфа қилинди.
- Тошкентдаги Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланган «Биз билган ва билмаган Чингиз Аҳмаров» номли кўргазма очилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўргазма рассомнинг илгари ҳеч қаерда намойиш этилмаган 60 та тасвирий санъат асари намойиш этилмоқда.
- Ромитан туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш қорхонасида жамоа аъзолари сони бирварақайга 6 кишига кўпайди. Бунга сабаб бу ерда янги темир-бетон цехининг ишга туширилиши бўлди. Цехда темир-бетондан йўл ҳўшалари, тўсқинлар, пийдалар йўлақлари учун ҳўша ва плиталар, шунингдек, йўл белгилари устунлари тайёрлашга киришилди.
- Андижонлик заргар Қодиржон Фозилов халқаро кўргазмаларда қатнашиш, ижоди ва меҳнати маҳсулини хорижда сотиш ҳуқуқини берувчи ЮНЕСКОнинг сертификатини олди.
- Тахياتош шаҳрида 32 ёш оилага мўлжалланган тўрт қаватли уй қурилиши якунига етмоқда. «Гидроэнергоқурилиш» МЧЖнинг 120 нафар қурувчилари тез суръатларда бунёд этган бинода пардозлаш, пайвандлаш ишлари амалга оширилмоқда. Биноқорлар уйни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширишни кўзда тутишган.
- Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талабалари учун барча қулайликларга эга бўлган янги замонавий турар жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. 60 ўринга мўлжалланган ушбу турар жойда талабаларнинг яшашлари, дарсга тайёргарлик кўришлари учун тегишли шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

- Кеча Европарламент Европа Иттифоки Конституциясининг ўрнига тузилган Лиссабон шартномасини маъқулади.
- Мамлакат Бош вазир Юлия Тимошенко Украинанинг НАТОга аъзо бўлиш масаласи референдум ўтказилгач ҳал бўлиши мумкин, дея таъкидлади. Айтиш керакки, йил бошида ҳукумат НАТО Бош котибига ташкилотга аъзо бўлиш ҳақида мурожаат хатини юборган эди. Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига қарши ҳудудлардаги муҳолифат партиялари норозилик сифатида парламент ишига тўсқинлик қилиб, бу масала бўйича сайлов ўтказишни талаб қилмоқда.
- Белградда Косово мустақиллик эълон қилгани муносабати билан умумхалқ норозилик намойиши бўлиб ўтади.
- Европа Иттифоки Босния ва Герцеговинага ушбу мамлакатларнинг Европа Иттифокига аъзо бўлиши юзасидан ислохотлар ўтказиши учун 440 миллион евро миқдоридида маблағ ажратди.
- Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 18 февраль кунини бўлиб ўтган парламент сайловларида голиб чиққан муҳолифатнинг талабига кўра истеъфога чиқиш ниятида эмаслиги ҳақида давлат бошчилигининг расмий вакили Рашид Қуреш маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда Мушарраф Покистоннинг янги ҳукумати билан ўзининг президентлик ваколати тугайдиган 2012 йилгача ҳамкорликда ишлаш ниятида.
- АҚШнинг Миннесота штатида йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди. Мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган автобуснинг бир нечта машиналар билан тўқнашиб кетиши оқибатида уч киши ҳалок бўлган, ўндан ортиги жароҳатланган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.
- Жанубий Кореянинг Кёнгида музофотида Корея армиясига қаршилик вертолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча АҚШнинг Канавералдаги аэродромига «Атлантик» космик кемаси бироз носозликлари бўлса-да, муваффақиятли кўчди. Шу тариқа Пентагон учун самода ҳаракатланаётган ва ўз орбитасидан чиқиб, бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келган жосус сунъий йўлдошини ерга қулаб тушмасдан олдин йўқ қилиш имконияти тугиди.
- Шри-Ланкада ҳукумат армияси ҳамда «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» жангарилари ўртасида рўй берган тўқнашувлар натижасида 18 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Краснодар ўлкаси маркази Сочидида қалин қор ёғиши ва кучли шамол эсиши катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, электр узатиш линиялари узилди, тоғлик жойлардаги айрим қишлоқлар ташқи дунёдан ажралиб қолди.



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ СОҲАЛАРИДА УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. АЙНИҚСА КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ БЎЛМИШ ЁШЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАТТА ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИЛДИ.

Умуммиллий дастур — амалда

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲЖАМ БЎЛСИН

Хусусан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар амалга оширила бошлаганига 10 йил тўлди. Утган вақт ичда узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари, янги дастурлар ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси юзасидан 2004-2007 йилларда пойтахтдаги жами 137 та мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди, Жумладан 3 та янги мактаб бинолари қурилди, 7 та таълим муассасалари капитал реконструкция қилинди, 65 та таълим муассасаси капитал таъмирдан ҳамда 62 та таълим муассасаси жорий таъмирдан чиқарилди. 122 та умумтаълим мактаблари ўқув мебеллари, махсус лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминланди.

Жумладан, бугун биз Собир Раҳимов туманидаги янгида замонавий қиёфада қад ростлаган 28-мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни билан ақиндан танишишга ҳаракат қилдик.

Айни кунларда 1600 нафар ўқувчиларга чуқур билим бериш учун барча зарур ўқув жиҳозлари, шарт-шароитлар яратилган ушбу мактабда бўлган киши бугунги ёшларга ҳавас билан боқиши табиий. Чунки 1939 йилда қурилиб, 1968 йилда яна битта кўшимча бинога эга бўлган кўрimsiz, каровга муҳтож бўлиб қолган мактаб ўрнида бугун жаҳон андозалари даражасига жавоб берувчи, замонавий, бутунлай янги қиёфадаги таълим маскани қад ростлаб турибди. Шинам, ёруғ, озода, янги ўқув жиҳозлари, мебеллар билан жиҳозланган ҳар бир синф компьютерлар билан таъминланган, 4 та интернет синфлари бор. 5-7 синфлар информатика, 7, 8, 9-синфлар эса химия фанига ихтисослашган. Утган йили рус тилидан ҳам 1-синфлар оқитилган.

— Мактабимиз янги ўқув йилида ўқувчиларни бағри-

га олар экан уни дафъатан ота-оналар ҳам, ўқувчилар ҳам танимай қолишиди. — дейди биз билан суҳбатда 28-мактаб директори Дилдора Орипова. — Ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида авваллари хатто хаёлга ҳам келмаган ишлар амалга оширилди. Мустақил юртимизда давлатимиз, қолаверса Президентимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик туфайли таълим-тарбия масканларимиз мана шундай чирой очмоқда. Ёш авлоднинг маънан, жисмонан баркамол тарзда воёга етиши учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Бизнинг мактабимизга келган киши фикримиз исботини кўради.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, бугун фақат ўқувчиларга эмас, ўқитувчи-мураббийларга ҳам катта эътибор қаратилган. Аввало уларнинг заҳматли меҳнатларини қадрлаш ва рағбатлантириш маъносидида иш ҳақлари бир неча маротаба оширилди. Кўшимча тарзда рағбатлантирилиб, улар малакаси, педагогик маҳорати ва тажрибасини ошириш, етук кадрлар тайёрлаш борасида мақсадли, аниқ режага асосланган ишлар олиб борилмоқда. «Йил тарбиячиси», «Йил мактаби», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» каби бир қатор кўрик-танловлар ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Биз ҳам ана шу эътибор, яратилган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга замон талаби даражасида таълим-тарбия беришига интилиб келмоқдамиз. Айниқса, Гулнора Азимова, Саида Низомова, Дилфуза Одилова, Мастура Қобулова, Дилором Турсунхўжаева каби бир қатор олий тоифали ва катта ўқитувчи-мураббийлар менинг яқин ёрдამчиларим, ўқувчиларнинг меҳрини бирдек қозонган меҳри дарё инсонлардир.



Бир сўз билан айтганда хайрли ва эзгу мақсад йўлида меҳнат қиляпти: келажак авлод жисмонан ва маънан баркамол бўлиб воёга етсин. Бу ишга масъул эканмиз ҳар биримиз ўз вазифамизни виждонан бажариб миллат равақига муносиб ҳисса қўшайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 28-мактаб ҳаётидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

КЕЧАГИ КҮН БУГУНГИСИДАН ТУБДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ. МАКТАБДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ДАВРЛАРИДА ОТА-ОНАМИЗ ЯНГИ ЎҚИГАН КИТОБНИНГ ҲАММАГА ТАВСИЯ ҚИЛИБ, НАВБАТМА-НАВБАТ ЎҚИШ УЧУН ДЎСТЛАРИГА БЕРИБ ТУРГАН БЎЛСА, БУГУН УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ МАКТАБДОШЛАРИ БИЛАН МУСИҚА, КИНО ЁЗИЛГАН КАССЕТА, ДИСКЛАРНИ АЛМАШИБ ТУРИШАДИ.

Қарор ва ижро

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Қачонлардир кутубхоналарда мавжуд бўлган навбат қутишлар гўёки бугун тушга айланди. Кишиларнинг китобдан йироқлашиб кетаётганликлари хавотирли муаммага айлиниб улгурди. Аммо бундай вазиятда тушунлик қайфиятини бир четга сурган ҳолда оммани яна кутубхоналарга қайтариш йўллари таниш керакдир. Бунинг учун нима қилиш керак деган савол туғилади. Бунинг жавоби ҳам оддий, кутубхоналар замонавий усулда фаолият юритишлари керак. Замонавий деганда, албатта кўпроқ техник воситалар билан бойитилгани назарда тутилади. Юртимизда соҳага оид ишлар аллақачон бошланиб кетди. Президентимизнинг 2006 йил июнь ойида қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бугун бажарилаётган ва биз каламга олмоқчи бўлган ишларга қанот бўлди.

Мазкур Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги 5745 та кутубхонадан 5731 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, мазкур вазирлиқнинг ўрта махсус касб-хунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказилди.

Жойларда Ахборот-ресурс марказларининг ташкил қилиниши китобхоналарга кенг имкониятлар, техник воситалар билан бойитилган қўлай шарт-шароит яратишни кўзда тутди. Келинг, бугун ташкил этилган Ахборот-ресурс марказларининг фаолияти ва ютуқларини кузатиш мақсадида шахримизнинг биргина туманига мурожаат қиламиз.

Собир Раҳимов тумани Халқ таълими бўлими томонидан саккизта умумтаълим мактабларида Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Бунинг учун тумандаги Нодирабегим номи болалар кутубхонаси (китоб fondi 31590 та), Собир Раҳимов номи кутубхона (13035), 12-болалар кутубхонаси (19753) ва 4-болалар кутубхонаси (80378) фондлари саккизта Ахборот-ресурс марказларига тақсимланди. 2007 йилнинг 10 ноябринан бошлаб шартнома асосида Ахборот-ресурс марказлари учун ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш ишлари бошланди.

Хусусан, тумандаги 249-умумтаълим мактаб тарихида ташкил этилган Ахборот-ресурс маркази 2006 йилдан ўз ишини бошлаган. Мазкур Ахборот-ресурс марказининг фонди 38.921 та китобдан иборат. Бу фонд С. Раҳимов туманидаги 4-болалар кутубхонаси ва Нодирабегим болалар кутубхонаси фондидан бир қисми ҳамда 249-мактаб кутубхона фондидан бирлашувдан ҳосил бўлди. Китоб фондидан илмий-оммабоп, табиий, техника, санъат ва спорт, адабиётшунослик фанларига оид ва бадиий адабиётлар ўрин олган. Бундан ташқари, Ахборот-ресурс марказида янги асарларнинг электрон нусхаси, турли тилларни ўргатувчи ва турли маълумотлар жойлашган дисклар фой-

даланиш учун китобхоналарга ҳавола этилган. Кутубхонанинг электрон каталоги ҳам тузилиб, бу барчага қўлайлик олиб кирди. Марказ ўқув зали, бошланғич синф ўқувчилари машғулот хонаси, китоблар сақланувчи хона ва архивдан иборат.

Биз билан суҳбатда марказ ходими Алмира Халитова шундай дейди:

— Биз ўз ташаббусимиз билан Ахборот-ресурс марказимизда архив хона ташкил қилдик. Туман болалар кутубхоналаридан олиб келинган адабиётлар орасида юзлаб китоблар «мазмунан эскирган асарлар» рўйхатида киритилиши мумкин эди. Аммо у ерда биз учун кадрли бадиий асарлар, тарихий фактлар, китобхоналарга керакли бўладиган маълумотлар мавжуд. Китобхоналар учун зарур бўлган китобларни асраш, авайлаш ва топиб бериш бизнинг вазифамизга кириди. Шу нуқтаи назардан биз марказимизда архив хона ташкил этдик. Бу ерда нафақат китоблар, балки эски матбуот нашрлари ҳам сақланади.

Марказ ўз ақинидаги тўрт маҳаллани ўз ичига олиб, соат 8.00 дан 17.00 гача маҳаллада истиқомат қилувчи катта-ю кичик, ўқувчилар, талабалар, нафақадарлар ва китобга эҳтиёж сезган киши борки, барчасига хизмат кўрсатиш билан банд. Бугун унинг китобхоналари сони 2.120 нафарга етди.

— Китобхоналаримиз орасида мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, нафақадарлар кўпчиликини ташкил қилади. Тўғри, 2.120 нафар китобхона Ахборот-ресурс марказимиз учун озлик қилади. Аммо келгусида бундан катта имкониятлар яратилиши эҳтимоли йўқ эмас. Марказимиз босқичма-босқич турли манбалар билан бойитилмоқда. Ҳозирча бизнинг камчилигимиз етарлича компьютер ва интернет билан таъминланмаганликмизда деб биламан. Агар бу камчилигимиз ўрни ҳам тўлдирилса, китобхоналаримиз сафи янада кенгайиши аниқ, — дейди марказ ходими.

Биз мазкур Ахборот-ресурс марказини кўздан кечириб эканмиз китобхоналар учун яратилган шарт-шароитлардан қувондик. Хайриятки, энди кишиларнинг китоб ўқимаслик учун баҳона қидиришлариға ҳоҳат қолмади. Фақат истак ва эҳтиёж бўлса бас. Шу ўринда буюк ёзувчи Иосиф Бродскийнинг мазкур жумласини эслаб ўтайлик: «Жиноятлар ичиде энг оғир муаллифни таъбиқ этиш, китобларни ўтга ташлаш эмас. Булардан оғирроқ жиноятлар борки, бу китобни менсимаслик, уни ўқимасликдир. Бу жиноятлар учун одам ўз ҳаёти билан товон тўлайди. Агар уни миллат содир этса у ўз тарихи билан тўлов беради».

Зеро, донишмандларимиз бежизга «китоб — офтоб» демаганлар. Чунки китоб ақлимизни, онг-шууригимизни чархлаб ҳаёт йўлимизни тўғри танлашимизда мисоли йўлчи-юлдуз бўлиб йўлга бошлайди, комиллик сари еталайди. Китоб доимий ҳамроҳимиз бўлсин, деб қоламиз.

Зилола РУСТАМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-қўВВАТЛАШ «НУРОНИЙ» ЖАМГАРМАСИНИНГ 2007 ЙИЛ ФАОЛИЯТИ АҚУНЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Жамгарма марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев бошлаган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кекса авлод вакиллариға доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир юртимизда 3 миллионга яқин пенсионер истиқомат қилмоқда. Фахрийлар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, ўзининг бош тажриба ва билимини ёш авлодга ўргатаётганлар.

2007 йилда фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қўватлаш борасидаги хайрли ишлар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилди. Утган вақт давомида хомийлар ва ота-она ташкилотлар томонидан кам таъминланган оилалар, пенсионер ва ногиронларга қарийб тўққиз миллиард сўмлик ёрдэм кўрсатилди. «Нуроний» жамгармаси худудий бўлиmlарининг савий-ҳаракати туфайли рес-

публикаимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган 4 минг 769 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг уй-жойи таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун ҳокимликлар ва хомийларнинг 293,5 миллион сўм маблағи сарфланди.

Ижтимоий ҳимоя йилида жамгарма марказий кенгаши ҳамда унинг худудий бўлиmlарини томонидан фахрийларнинг, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг хордик чиқаришлари ҳамда даволаш ишлари учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур шарт-шароит яратилди. Уруш ва меҳнат фахрийларини даволашга ихтисослаштирилган Тошкентдаги «Нуроний» шифохонасига, Тошкент вилоятдаги «Товоқсой» санаторийсига, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидаги фахрийларни даволаш масканларига дори-дармон воситалари тақдим этилди.

Жамгарма савий-ҳаракати

билан мамлакатимизнинг турли минтақаларида ашаётган 37 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар ва пойтахтимиз Тошкентга, шунингдек, Имом Бухорий, Хўжа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Накшбанд, Абдуҳолик Фикдувоний, Имом Термизий сингари буюк аждодларимиз номлари билан боғлиқ қадимжоларга саёхатлар ташкил этилиши кекса авлод вакиллариға кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бундай хайрли ишлар тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Йиғилишда «Нуроний» жамгармасининг 2008 йил — Ёшлар йилида амалга ошириш зарур бўлган вазифалари белгилаб олинди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
Ўза муҳбири

БОЛАЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН БИР ГУРУҲ БЕМОР БОЛАЛАР ДАВОЛАНИШ УЧУН GERMANIYA ГҲНАТИЛДИ.

Шуниси эътиборга молиқки, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламиға ёрдэм бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қўватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги ишларда нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамгармаси Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқро ташкилоти ўртасида уч томонлама битим имзолаган эди. Унда ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш кўзда тутилган. Мазкур сама-

рали ҳамкорлик натижаси ўларок, ўтган давр мобайнида қўлгина бемор ва ногирон болажонлар Германияда даволашди. Бундан ташқари, «Фриденсдорф Интернейшнл» халқро хайрия ташкилотининг грант маблағи ҳисобига биргина ўтган йилда 305 нафар юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари билан оғриган бемор болалар Тошкент Тиббиёт Академияси ҳамда вилоятлардаги бир қатор клиникalarda жарроҳлик йўли билан даволанди.

Олиб борилаётган бундай савий-ҳаракатлар келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИГА ЕТТИ ЙИЛ БЎЛДИ. **ЎТГАН ШУ ВАҚТ ИЧИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ, УЛАР ТОМОНИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ, БУ ЙЎНАЛИШДА МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҚАТОР ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР ҚИРИЛДИ.**

Бугунги кунда пойтахтимизда воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш билан бир неча муассасалар шуғулланмоқда. Ҳар бир участка инспекторлари ўз худудиде кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ёшлар ва ўсимирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтиришга эришмоқда. Уларнинг дам олиши ва иш билан таъминлашга доир тадбирлар ҳам ижобий самара бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори муносабати билан шахримиз мактабларида, маҳаллаларида «Усмир ва давр», «Сенинг энг яқин дўстинг» каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Озод АБСОСОВ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ, ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАБИАТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР. БУ БОРАДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР БОСКИЧМА-БОСКИЧ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАНИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкент ахборот технологиялари университетиде атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва табиий ресурсларни тежашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигиға бағишлаб ўтказилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Экосан» халқро ташкилоти, Нодавлат нотижорат ташкилотлар экофоруми ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этиди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда илм-фан ва техника йутқуларини жамиятимизнинг барча жабҳалари, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, кон-металлургия, машинасозлик ва бошқа муҳим тармоқларға жорий этишга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётир. Бунинг натижасида табиатға етказилаётган салбий таъсирлар сезиларли даражада камаймоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Нодавлат нотижорат ташкилотлар экофоруми бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш мақсадида мунтазам тадбирлар ташкил этаётир.

Табиат мусоффолигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ролиға бағишланган бу галги анжуманда аҳолиға экология мавзусидаги аниқлик ва ахборотларни етказиб беришда оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистиканинг ўрни, бу борада давлат ва жамоат тузилмалари ҳамда халқро ташкилотлар ҳамкорлигиға бағишланган маърузалар тингланди. Тадбир иштирокчилари Тошкент ахборот технологиялари университетиде замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида амалға оширилаётган ишлар билан танишишди.

(Ўза)

КАРДИОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

АКАДЕМИК ВОҲИДО НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЖАРОҲЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ КАРДИОЖАРОҲЛАРИ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА.

Ҳамкорлик ҳақидаги шартномаға мувофиқ Италиянинг «Бергамо» клиникасидан етти нафар мутахассис келган. Ўзбекистонға еттинчи марта келган Бергамо клиникаси шифокорлари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан юракнинг ишемия хасталигиға оид икки хил турдаги мураккаб операцияни амалға оширишди. Халқро миксдаги мутахассисларнинг фикриға кўра, ишемия хасталигиға чалинган ҳар уч юз кишининг бири операция столиға етишиға тўғри келмоқда. Яна бир бошқа маълумотға кўра, ҳар миллион аҳолининг бир мингдан ўн мингчасида операция ўтказилмоқда. Шундан кўриниб турибдики, соҳада бундай тадқиқотларни ўтказиш ва ривожлантириш, тажриба алмашиш муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚУВАЙТДА 25 ФЕВРАЛЬ МИЛЛИЙ КҲН СИФАЙТДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ҚУВАЙТНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ОВАБ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Унда мазкур давлатнинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Адель Мухаммад Ҳаёт сўзға чиқиб, мамлакатнинг мустақил ривожланиш йилларидаги қўлга киритган ютуқлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Қувайт фуқароларининг турмуш даражаси дунё бўйича юқори ўринлардан бирини ташкил этаётир, — деди элчи. — Бир кишининг ўртача йиллик даромади 21 минг АҚШ долларига тўғри келади. Мамлакат раҳбарияти жамиятни демократлаштиришға ва иқтисодийетни янада ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қувайт ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ўзаро муносабатлари ҳақида гапирар экан, элчи алоқалар Тошкент жаҳон ислом маданиятининг маркази деб эълон қилинганда ташки ишлар, адлия ва таълим вазирларининг Тошкентда бир неча бор бўлганидан сўнг жадал ривожланганини таъкидлади.

Айниқса, мусиқа санъати ва таълим соҳасида самарали тажриба алмашинияпти. Жумладан, Тошкент Давлат консерваторияси ўқувчилари Қувайтда дарс ўтмоқда. Ушбу мамлакат вакили эса Самарқандда ўтган «Шарқ тароналари» халқаро танловида Гран-прини қўлга киритди.

Элчи Адель Мухаммад Ҳаёт икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини давом этиши, айниқса, нефт-газ, коммуникация соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишиға умид билдирди.

«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Саъдий ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Агар иш кўрсатмаса, бекордир фаслу хунар, Уд оловга тушмаса, уйни қилмас муаттар.

Бадавлат гарибмас тоғу чўлда ҳам, Қайга борса, қураб ётоғу чодир. Ҳеч кулбасида ҳам гарибу забун Орзуга етмаган бечора фақир.

Агар косиб мусофирликка чиқса, Қийинлик бетини кўрмайди асло. Кечин оч ухламоққа мажбур ўлгай, Гар ўз юртида тахтдан тушса подшо.

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон, Ақл дер: «Кидиргил уни сен ўзинг!» Ҳеч киши ажалсиз ўлмайди, аммо — Ким аждр озгига уради ўзинг?

Ақлнинг кўзи ҳам тамадан боғлиқ, Тамадан илингай домга қуш, балиқ.

Зулм кўрсанг, кийгил чидам этинг, Юмшоқлик ёпади уриш эшинг.

Юмшоқ муомала, ширинсўз одам Бир қил билан тортиб кетар филни ҳам.

Юмшоқ бўлгил, юмшоқ ипакини ҳатто Ҳатти қиличлар ҳам кесолмас асло.

Ризқиндан ортиқни еб бўлмаса ҳам, Талабда бўлмагил дангаса, беғам.

Фаввос наханг озгин ўйласа агар, Қўлга киритолмас ҳеч дурру гавхар.

Шер нима овлай олар токи инидан чиқмай, Чангалига не тушар ерда ётса қарчиги?!

Илвасин келтирмас овчи ҳам ҳар кун, Бир кун йўлбарс йиртиб ташлаши мумкин.

Гоҳида равшанфикр донолардан ҳам Чикмаслиги мумкин дурустрок тадбир. Гоҳида ақлсиз гўдак бир бола Янглишиб, нишонга ўқ урар моҳир.

Хунардан катта айб йўқдир адоват кўзига ҳар дам, Ҳар гул бўлса ҳам, душман кўзинда бир тикан Саъдий.

Сўз демасанг, сенда кимнинг иши бор, Дедингми, далил айт, исботла такрор.

Ўз уйингдагини билонмай зинҳор, Қайдан билдинг — фалак авжида не бор?

Инкор кўзи-ла қараган кишига Юсуфнинг юзи кўринар хунук. Агар муҳаббат-ла қараса дегва, Дев кўринар фариштадек туп-тузук.

Гар бегона келса шамнинг ёнига, Соя қилса, ўлдири ундай одамни. Лаби ширин, шакарханда ёр келса, Енгинг билан шу он ўчиргил шамни.

Денгиз фойдаси яхши, тўлқин солмаса даҳшат, Гул суҳбати хуш эди санчилмаганда тикон.

Ўзингдан яхшироқни изла, фурсатни ганимат бил, Ҳар гул бўлса ҳам, душман кўзинда бир тикан Саъдий.

Ўзингдеклар билан мумкин қадар камрок суҳбат қил.

Бу зулму кўполлик, бадфеълинг билан — Нозинг кўтараман, чунки гўзалсан.

Найранг билан сочинг қиласан қора, Аммо букчайган бел рост бўлмас сира. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ЗАЖЕВИЯ» ПОЛЯК МАДАНИЯТ МАРКАЗИ КЎМАГИДА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА АНЪАНАВИЙ «ПОЛЯК ПИШИРИҚЛАРИ БАЙРАМИ» ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



ДЎСТЛИК БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Байрамда пряниклар, пишлок ва сарёғдан тайёрланган таомлар, ичига гўшт, кўзикорин, творог солинган, бир сўз билан айтганда бир неча турдаги хушхўр пишириқлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Пишириқлар ва таомларни тайёрлаган ошпазлар уларни тайёрлаш технологиялари билан ҳам ўртоқлашди.

Шуниси қувонарлики, тадбирнинг кўп сонли иштирокчилари нафақат ошпаз ва қандолатчилар маҳоратига баҳо беришди, балки ёшлардан ташкил топган рақс гуруҳлари иштирокидаги поляк халқ куйи ва кўшиқларининг янграши тадбирга ҳақиқий байрамона руҳ бахш этди. Поляк миллий либосларининг чиройи ва шўх рақслар барчани бирдай ўзига мафтун этди. Литваннинг Вильнюс шаҳридан ташриф буюрган меҳмон Видманта Зембрис эса хатто қизиқувчиларга рақс сабоқларини берди ва кўплаб дўстлар орттирди.

Энг муҳими, полякларнинг байрамида руслар, корейлар, ўзбеклар, қозоқлар, қўйинги кўплаб миллиятлар вакиллари фаол иштирок этишди ва ушбу тадбир дўстлик ва бирдамликнинг ўзига хос тантанасига айланиб кетди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: полякларнинг байрами мана шундай шодон ўтди. Алексей Попов олган суратлар



Спорт

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАётган ТОШКЕНТНИНГ «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАСИ ТУРКИЯНИНГ АНТАЛИЯ ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУЛЛАДИ.

«ҚУРУВЧИ» САФАРДАН ҚАЙТДИ

Миржалол Қосимов устозлик қилаётган жамоа вакиллари техник, тактик ва жисмоний тайёргарлик машғулотларидан ташқари, хоризқ клублари билан еттита ўртоқлик учрашувларини ўтказди.

«Қурувчи» Туркиядаги сўнгги ўртоқлик учрашувида Жанубий Кореянинг «Сеул» жамоаси билан куч синашди. Миржалол Қосимов Осиенинг етакчи жамоаларидан ҳисобланган «Сеул»га қарши ўтказилган ўйинда тажрибали футболчилардан иборат асосий тарқибни майдонга туширди. Мазкур баҳсда ҳисоб корейликлар томонидан очилди. Лекин «Қурувчи»га янги кўшилган Улугбек Бақоев иккита тўп киритиб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Мағлубиятдан қутулиб қолиш мақсадида кўплаб ҳужумларни уюштирган «Сеул» жамоаси футболчилари яна гол уришга муваффақ бўлди.

Шундай бўлса-да, корейлар ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. Уйиннинг иккинчи ярмида ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Темур Копадзе «Сеул» дарвозасини аниқ нишонга олиб, «Қурувчи»га 3:2 ҳисобида галаба келтирган голга муаллифлик қилди.

Бу «Қурувчи» жамоасининг Туркиядаги олтинчи галабаси бўлди. Бунгача тошкентликлар Словакиянинг «Татран Пресов», Руминиянинг «Дунаре» ва Украинанинг «Оболони» жамоаларини бир хил — 1:0, Россия чемпиони вакиллари — «Динамо»ни 2:0, «Витязь»ни эса 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратганди.

Латвиянинг энг машҳур клубларидан бири ҳисобланган «Даугава» жамоасига қарши ўтказилган учрашувда эса европаликлар 2:0 ҳисобида зафар қўчган. Бу баҳсда Миржалол Қосимов жамоа тарқибидagi ёш футболчиларни синаб кўрганни алоҳида таъкидлаш лозим.

2008 йилги миллий чемпионатимизда «Қурувчи»нинг асосий рақиб сифатида эътироф этилаётган пойтахтнинг яна бир жамоаси — «Пахтакор» ҳам 25 нафар футболчи иштирокидаги иккинчи ўқув-машғулот йиғинини Анталида ташкиллаштирди.

Пахтакорчилар режалаштирилган ўртоқлик учрашувларидан бирини Руминия чемпиони олий лигасида тўп сураётган «Университатя» жамоасига қарши ўтказди. Беллашувнинг биринчи ярми Европа микёсидagi мусобақаларда тажриба орттирган руминияликлар устунлигида ўтиб, улар «Пахтакор» дарвозасини икки марта ба аниқ нишонга олишди.

Уйиннинг иккинчи ярмида Равшан Ҳайдаров шогирдлари устунлик қилди. «Университатя» дарвозаси томон кўплаб ҳужум уюштирган тошкентлик чарм тўп усталаридан Александр Гейнрих ва Илхом Суенов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди. Қизикарли ўтган баҳсда 2:2 ҳисобида дуранг қайд этилди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 11 март куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига

КЎЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30055-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 118.800.000 сўм.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 18 декабрдаги 10-0510/3659 сонли ажримга асосан тақдим этилган «Коинот &K» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда жойлашган «Коинот» ресторани биноси (маъмурий ва хўжалик биноси 300 кв.м., савдо зали 512 кв.м.) **Бошланғич баҳоси — 331.900.000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва саноати кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР

204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

ШУНИНГДЕК:

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан «Тошкент оқшоми» газетасининг 2008 йил 24 январдаги 17-сонида эълон қилинган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 22 февралдаги 10-0604/517-сонли ва 2007 йил 5 октябрдаги 10-0714/143-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани Сағбон 30-тор кўчаси, 8-уй манзилдаги «Томозет» МЧЖга тегишли ум.майдон 1687 кв.м. бўлган икки қаватли бино бўйича аукцион савдолари тўхтатилди ва мазкур мулк савдодан олинди.

ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳридаги 11-хунар-техника билим юрти томонидан 1995 йил 30 июнда Тошпулатов Фаррух Нигматуллаевич номига берилган АТТ-№42 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босяма табоқ, офсет усулида босялади. 4061 нускада босялади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босямоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 13:12